# Бюджет қонунчилиги бўйича очиқ маълумотлар.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддасига ҳамда Ўзбекистон Рспубликаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан, Бешариқ тумани маҳаллий бюджетининг

2022 йил йил 2-чорак даромадлар режасининг ортириб бажарилган қисмини

тақсимлаш бўйича Ҳалқ депутатлари Бешариқ туман Кенгашида Қарори билан маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасини ортириб бажарилган қисми **2567.0** (икки миллиард беш юз олтмиш етти олти миллион) сўм маблағ  “Бюджет Кодекси”га асосан, қуйидаги харажатлар учун йўналтирилган.

2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 март кунги

“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият хаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли қарорининг 7-бандида хар чоракда маҳаллий

бюджети прогнозининг ортиқча бажарилган қисмини **камида 15 фоизини**

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш тўғрисидаги топшириғига асосан **385.0** (уч юз саксон беш миллион)сўм;

2.2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарорининг 2-бандида туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг **камида 15 фоизи** миқдорида хар чоракда ажратилган маблағлар “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб қатъий белгиланганлигидан келиб чиқиб, ***e-qaroro.gov.uz 26.07.2022*** **385 .0** (уч юз саксон беш миллион)сўм;

2.3 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 12

мартдаги 249-ИВ-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарорининг 6- бандига мувофиқ, туман ҳокимликлари зиммасига туман маҳаллий бюджетини қўшимча манбаларидан **камида 10 фоизини ОПЕНБУЮДЖЕТ.УЗ** портали орқали жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминлаш

тўғрисидаги топшириғига асосан, **770.0** (етти юз етмиш миллион)сўм;

2.4 Бешариқ тумани Марказий шифохонасига перинатал марказини таъмирлашга 500,0 (беш юз миллион) сўм;

2.5 Бешариқ тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 25-сонли мактабини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 100,0 (юз миллион) сўм;

2.6 Бешариқ тумани саховат ва кўмак жамғармасига 50,0 (эллик миллион) сўм;

2.7 Юқорида ажратилган маблағлардан иқтисод қилинган ёки фойдаланилмаган маблағлар Фавқулотда вазиятлар ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган харажатларга

йўналтирилди.

3.Туман ҳокимлиги Молия бўлими мудири (Х.Исроилов)га ажратилган



маблағлар доирасида харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатга

олиш ва бюджет харажатлари режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш,

туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Нишонов)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш вазифалари топширилган.

4. Маблағ ажратилган муассасалар раҳбарлари ва ҳисобчиларига:

***e-qaroro.gov.uz 26.07.2022*** ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва унинг белгиланган тартибда мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, молиялаштириш манбаасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни молия ва ғазначилик бўлимларига тақдим

этилиш вазифаси юклатилган.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Бешариқ

туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш

масалалари бўйича” доимий комиссия раиси зиммасига юклатилди.

**Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб**
**йўналтирилган маблағлар юзасидан**
МАЪЛУМОТ

| **Т/р** | **Тадбирнинг хос рақами (ИД)** | **Жами тўпланган овозлар сони** | **онлайн овозлар** | **шундан офлайн овозлар** | **СМС орқали** | **Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1340400019 | **8 457** | 37 | 0 | 8 420 | Навбахор МФЙ Навбахор кўчаси ва Истикбол кўчаларини 1.0 км масофаларда асфальтлаштириш |
| 2 | 1340400014 | **8 348** | 17 | 0 | 8 331 | Капаянги МФЙ худудига 10 км масофага ичимлик суви тортиш 2 дона сув дона сув насоси ўрнатиш ва 2 дона сув минораси ўрнатиш |
| 3 | 1340400020 | **8 306** | 29 | 0 | 8 277 | МФЙ худудида Нурабод 1 та ичимлик суви қудуғи қазиш 1та сув минораси ўрнатиш. Нуробод, Янги Нуробод, Навбахор ва Истиқбол кўчаларига 7 км ичимлик суви тармоғини тортиш |
| 4 | 1340400016 | **8 210** | 10 | 0 | 8 200 | Чорбоғтўронғи МФЙ худудидаги Нур кўчасини 1.5 км масофани шаҳаллаштириш 1 км масофани асфалтлаштириш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5 | 1340400024 | **7 811** | 53 | 0 | 7 758 | Адолат МФЙ 1та сув қудугини кавлаш 1 та сув минорасини орнатиш 1 ТП орнатиш 8 км ичимлик суви тармоги тортиш |
| 6 | 1340400022 | **7 633** | 45 | 0 | 7 588 | Дўстлик МФЙ Файз кўчаси 0.5 км  ички йўлларини асфаллаштириш 1 км масофани шағаллаштириш |
| 7 | 1340400035 | **7 323** | 29 | 0 | 7 294 | Юқори Товул МФЙга ичимлик суви билан таминлаш учун 1 қудуқ қазиш, сув минораси орнатиш ва тармоқ тортиш ТП орнатиш ва насоз орнатиш ишларини амалга ошириш учун амалий ёрдам беришингизни сорайман |
| 8 | 1340400018 | **5 750** | 165 | 0 | 5 585 | Бахмал МФЙ худудига 1та янги сув минораси ўрнатиш 7 км сув тармоғи тортиш 1та сув насоси зрнатиш |
| 9 | 1340400037 | **5 323** | 106 | 0 | 5 217 | Қум МФЙ Кармак қишлогида ичилик суви муаммолиги сабабли сув минораси қуриш ва тармоқ тортиш ишларини амалга ошириш зарурлиги одамлар узоқ масофадан ичимлик суви тошиб ичишади шунга амалий ёрдам беришингизни сорайман |
| 10 | 1340400026 | **5 255** | 60 | 0 | 5 195 | Қум МФЙ Кармак кишлоғини Тараққиёт кўчасини 1 км масофани асфалтлаштириш зарур ушбу кўчада мактаб филиали жўйлашган бўлиб ёмғиргарчилик кунлари мактаб болларига бориб келиши қийинлашадаи |
| 11 | 1340400025 | **5 155** | 30 | 0 | 5 125 | Узун МФЙга 1 дона сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, 1 та ТП ўрнатиш ва 7 км тармоқ тортиш ишларини амалга ошириш зарур шунда фуқароларга қулайлик яратилади хозирда узоқ масофалардан ичимлик суви тошиб ичиб келинмоқда |
| 12 | 1340400003 | **5 090** | 41 | 0 | 5 049 | Бешкапа МФЙ Ал-Фаргоний маҳалласида яшовчи 100 га яқин хонадан истемол сувига қийналади . Агар шуни иложи болса муаммога ечим топилса ҳамма хурсанд боларди |
| 13 | 1340400083 | **3 269** | 3 | 0 | 3 266 | Рапкон МФЙ Рапкон кишлоги Дустлик кучасидаги йуллар асфальт килиш |
| 14 | 1340400038 | **2 783** | 18 | 0 | 2 765 | Деҳқонтўда МФЙ Ҳовузбўйи кўчасининг электр симёғочларини ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | потстанциясини янгилаш |
| 15 | 1340400034 | **2 243** | 50 | 0 | 2 193 | Бешариқ туманидаги Янги Қашқар маҳалла фуқаролар йиг'ини ҳудудидаги О'збекистон ко'часида 150 нафарга яқин хонадонда 700 нафардан ортиқ фуқаролар истиқомат қилади. Ушбу ко'чалар ташкил бо'лганига 50-55 йил бо'лган бо'лсада бирор маротаба тамирланмаган ҳамда асфалтланмаган. Ушбу ко'чалар ёмг'ирли кунларда лой, қуёшли кунларда қумли бо'либ маҳаллий аҳолига бир қанча ноқулайликлар туг'дирмоқда. Ушбу ко'чаларни асфалтлаш лозим бо'лади. |
| | | | | **Жами:** | | |

2022-09-17 19:11:44